# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 13 февраль, № 30 (5704) Чоршанба


Янгиликлар, воқеалар,

*хабарлар*

*Кармана туманида ўтган йили 118 та кичик бизнес ҳамда 740 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.*

## Кичик бизнеснинг дадил одимлари

Уларнинг иқтисодиёт ривожидаги улуши тобора ортиб, саноатда 95,9, қишлоқ хўжалигида 93 фоизга етди.

"Навоий гипс инвест" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай илғор корхоналардан биридир. 2012 йили бу ерда қарийб 300 миллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. 25,5 минг АҚШ долларилик оҳак маҳсулоти экспорт қилинди.

— Мустаҳкам оила йилида иш бошлаган эдик, — дейди жамият директори Дониёр Рўзиев. — 350 миллион сўмлик кредит ҳисобига қисқа муддатда илғор қувватларни ўзлаштириб, 12 кишининг бандлигини таъминладик. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, экспорт ҳажмини ошириш ниятидамиз.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қишлоқда қайта ишлаш корхонаси

*Мингбулоқ туманидаги Момохон қишлоғида собиқ ширкат хўжалигига қарашли мева ва сабзавотни қайта ишлаш цехи тадбиркор Одина Худойберганова саъй-ҳаракати билан модернизация қилиниб, фаолият кўрсата бошлади.*

Эндиликда "Одина Зубайда" номи остида иш юритаётган мазкур субъектда технологик янгилаш ишларини амалга ошириш учун 100 миллион сўмликдан зиёд инвестиция йўналтирилди. Натижада бир кеча-кундузда 30 тонна маҳсулотни қайта ишлаш имконияти юзага келди. Жамоа аъзолари саъй-ҳаракати билан ўтган мавсумда бу ерда 60 миллион сўмликдан зиёд мева консервалари ҳамда помидор шарбати тайёрланди.

— Қишлоғимиз аҳолиси, асосан, томорқа хўжалигидан даромад топади, — дейди О. Худойберганова. — Шу сабабли корхонамизнинг иш бошлаши уларга маъқул тушди. Имкониятдан фойдаланиб, жорий йилда қувватларни тўла ўзлаштириш ҳисобига маҳсулот тайёрлаш ҳажмини 4-5 баробар кўпайтириш ҳамда 12 та иш ўрни яратишни мўлжаллаб турибмиз.

Таъкидлаш керакки, ўтган йили вилоятда озиқ-овқатни қайта ишлаш йўналишида 16 та лойиҳа амалга оширилиб, мазкур мақсад рўёби учун 2,4 миллиард сўм сарфланди ва 132 кишининг бандлиги таъминланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Йирик лойиҳа — амалиётга

*Ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Қарши ёғ-экстракция" очиқ акциядорлик жамиятида кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди.*

Бунинг учун корхонага хориждан 1 миллион АҚШ долларилик ускуналар келтирилиб ўрнатилди.

Эътиборлиси, янги цех тўлиқ қувватда иш бошлагач, бу ерда йилига 1000 тоннадан ортиқ дистилланган ёғ кислоталари (хўжалик совуни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, илғор технологияларни бошқариш учун 32 нафар мутахассис ишга қабул қилинди.

**Сарвар ОЧИЛОВ.**



# Технологик янгиланиш ва рақобатбардош маҳсулотлар

*Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқлари қаторида енгил саноат тизими ҳам жадал ривожланиб бораётир. Соҳа корхоналарининг техник ва технологик жиҳатдан янгиланиши, уларга хориж инвестициялари жалб этилиши, шунингдек, янги-янги қувватлар ишга туширилиши сингари амалий саъй-ҳаракатлар бунда муҳим омил бўлаяпти.*

### Модернизация

Айниқса, паст рентабелли, иқтисодий ночор корхоналарда истиқболли лойиҳаларнинг изчил амалга оширилиши маҳаллий хом ашё асосида сифатли маҳсулотлар тайёрлаш ва уларни экспорт қилиш имконини бермоқда. Масалан, бир пайтлар Фарғона вилоятидаги йирик тўқимачилик корхонаси ҳисобланган "Фарғона ип газлама" очиқ акциядорлик жамияти бозор иқтисодиёти талабларига мослаша олмай, унинг бинолари бир неча йил бўш турди. Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан, жамият республика "Турон" акциядорлик тижорат банкига икки йилда 9 миллиард сўм инвестиция киритиш шарти билан ноль қийматида берилди. Натижада банкрот корхона ўрнида замонавий "Фарғона Турон текстиль" масъулияти чекланган жамияти ташкил топди.

Шундан сўнг бу ерда кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди. Мавжуд қувватлар тўлиқ янгиланди. Бу мақсадлар учун банк томонидан 47 миллиард сўмлик инвестиция киритилди. Бинобарин, Германиянинг "Truetztschler GMB" компаниясидан пахта хом ашёсини қайта ишлашга мўлжалланган салкам 12 миллион евро қийматидаги замонавий дастгоҳлар келтирилди. Технологияларни ўрнатиш, асбоб-ускуналарни созлаш ишлари ҳам мазкур компания мутахассислари томонидан бажарилди.

**(Давоми 2-бетда).**

### Биз ва жаҳон

*Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатия ваколатхоналарида 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишларига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.*

## Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлари Бельгия ва Латвияда тақдим этилди

Хусусан, **Брюсселда** ана шу мавзуга бағишлаб ташкил этилган брифинг чоғида унинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 18 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий мазмун-моҳияти билан танишдилар. Шунингдек, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражасига оид макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳам тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола этилди. Таъкидланганидек, давлатимизнинг сармоявий жозибадорлигини янада юксалтириш йўлида ўтган йили амалга оширилган ислоҳотлар нафақат сармоялар даражасининг барқарор суръатларини сақлаб қолиш, балки иқтисодиётни янада ривожлантиришга хизмат қилди.

Мамлакатимиз банк-молия тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш, хизматлар соҳасининг жадал тараққиётига кўмаклашиш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар, аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган давлат дастурлари, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотлар брифинг иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурда белгилаб берилган вазифа ва устувор йўналишлар муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилди.

Брифингда сўзга чиққан **Нидерландия Халқаро муносабатлар институти профессори Кристин Клету** ушбу тадбир унинг иштирокчилари учун 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва эришган муваффақиятлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган режа ва дастурлари тўғрисида ишончли маълумотлар билан танишиш учун қулай имконият яратганини қайд этди.

Профессор Клету мамлакатимизда эришилаётган иқтисодий ютуқларнинг асоси сифатида савдо юритиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун яратилган қулай шарт-шароитлар, сармояларни жалб қилишга қаратилган изчил ва оқилона сиёсат, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш сингари омилларни кўрсатиб ўтди. Ўзбекистон, унинг фикрича, иқтисодиётни диверсификациялаш, саноатни ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли муваффақиятларга эришди.

Шу ўринда Кристин Клету "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонасининг фаолиятига юксак баҳо берар экан, улар юртимиз иқтисодиётига сармоялар ҳажмининг ортишига хизмат қилишини таъкидлади.

**(Давоми 2-бетда).**

### Тадбир

*Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераяпти. Натижада кичик бизнес субъектлари сафи йил сайин кенгайиб, улар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

## Доимий ҳамкор, яқин кўмакчи

Бугунги кунда ушбу соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 54,6 фоизга етгани бунинг яққол далилидир.

Қўлга киритилаётган бундай ижобий натижалар халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланаётгани, айниқса, қувонарлидир. Хусусан, Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорилади.

Дарҳақиқат, республикамизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнлар тобора либераллаштирилиб, уларнинг очиқлиги таъминланаяпти. Ушбу жараёнда тадбиркорларнинг яқин ҳамкори ва кўмакчисига айланган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаол иштирок этмоқда. Ҳозир мазкур жамоат ташкилоти ўз таркибидаги 22 минг 797 та тадбиркорлик субъектининг фаолиятини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Марказий кенгашининг мажлисида ташкилотнинг 2012 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, Обод турмуш йилида амалга ошириладиган долзарб масалалар муҳокама этилди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг кўмагида ўтган йили 49 корхонага асос солинди. Шунинг 20 таси чет эл сармояси иштирокида ташкил этилган бўлса, қолгани хорижий субъектлардир.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. Ўтган давр мобайнида назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган 1680 та хўжалик субъектини текшириш жараёнида бевосита палата ходимлари иштирок этди. Шунингдек, судларга қарийб 22 мингта даъво аризаси киритилди.

**(Давоми 2-бетда).**

## Солиқ имтиёзи — жадал ривожланиш омили

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан "Солиқ Инфо" газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари учун жорий йилдаги солиққа оид ўзгаришларга бағишланган семинар ташкил этилди.*

### Анжуман

Таъкидландики, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси солиқ соҳасидаги янгиликларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган ўзгартишлар натижасида текширувларни ўтказиш, солиқ қарзларини ундириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари, солиқ ҳисоботларини топшириш даврийлиги борасидаги янгиликлар шулар жумласидандир.

Маълумки, ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари аҳоли бандлигини таъминлаш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, қисқача айтганда, иқтисодиётимиз равнақини белгилашда ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

## Инвестициявий муҳит янада яхшиланмоқда

**2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар ҳажми аввалги йилдагига нисбатан**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**14**

**фоизга ўсди.**

**Хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг инвестициявий фаоллигини ошириш, чет эллик инвесторларга қўшимча имтиёз ва преференциялар тақдим этиш, янада қулай инвестициявий муҳитни яратиш мақсадида кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган сармоялар оқими кўпайишига эришилди.**

### Илм-фан

*Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган. Илму маърифатга интилиб яшаш эса халқимиз табиатининг узвий қисмига айланган. Буюк аждодларимиз бутун дунёда ўзларининг математика, астрономия, геодезия, минералогия, фармакология ва тиббиёт соҳаларидаги тенгсиз кашфиётлари билан шуҳрат қозонганлар.*

## Тараққиётнинг муҳим асоси

Бироқ мустабид тузум даврида ана шу тарихий ҳақиқатни яширишга, унга парда тортишга уринишлар кўп бўлди. Маданиятимиз, маънавиятимиз топталди. Вақт ўтди, замонлар ўзгарди. Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритди. Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида кўплаб соҳалар қаторида илм-фанимиз ҳам қаддини тиклади, янгиланишга юз тутди.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасида бекиёс ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилди. Зарур ҳуқуқий асослар яратилди, фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, инновацион лойиҳалар, технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасида муҳим дастурлар қабул қилинди.

Ана шуларга мувофиқ, илмий муассасаларнинг моддий-техник базаси изчил мустаҳкамланиб, тадқиқотлар қўллаб-қувватланмоқда, ёш истеъдодлар муносиб рағбатлантирилмоқда. Қолаверса, қатор янги йирик институтлар ташкил этилди. Юзга яқин долзарб йўналишлар шакллантирилиб, улар юзасидан изланишлар олиб боришга фаол киришилди. Бинобарин, халқаро грантлар асосида 20 дан ортиқ илмий лойиҳалар ҳамкорликда рўёбга чиқарилаётгани, фан ва таълим интеграциясини таъминлаш мақсадида олий таълим ихтисосликлари ва дастурларига мос 4 та институт ҳамда 4 та ҳудудий илмий марказ олий таълим тизимига ўтказилгани соҳадаги ислоҳотлар қамрови нақадар кенг эканлигидан далолат беради.

**(Давоми 4-бетда).**

# «Энг яхши ғоя»

## атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади

Кеча Тошкент ирригация ва мелиорация институтида республикамиз олий ўқув юртлари талабалари ва магистрлари ўртасида ташкил этилган "Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши ғоя — 2012" танлови совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танлов

Мазкур танлов Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон ННТлари Экофоруми ҳамкорлигида, Ўзбекистонда Британия Кенгаши ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси кўмагида ташкил этилди. Унга 100 дан зиёд талаба-ёшларнинг ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларидаги ижодий ишлари қабул қилинди.

Якунда "Энг яхши матн иши", "Энг яхши тақдимот" ва "Энг яхши лойиҳа" номинацияларида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Жиззах давлат педагогика институти, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа олий ўқув юртлари талабалари дипломлар билан тақдирланди.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда Голландиядаги Вагинен университети халқаро магистратураси ҳамкорлигида тайёрланган "Қишлоқ хўжалигида буғ газлари эмиссияси таҳлили" мавзуидаги видеотақдимот тадбир иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

Молия муассасаларида

*Истиқлолнинг ҳар бир йили мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юксалиш, ривожланиш йили сифатида тарих саҳифаларига муҳрланмоқда. Қўлга киритилаётган муваффақиятлар эса, энг аввало, аҳоли турмуш фаровонлиги, юртимиз ободлигига хизмат қилаётгани билан, айниқса, аҳамиятлидир. Шаҳару қишлоқларда барпо этилаётган муҳташам иншоотлар, намунавий тураржойлар, кенг ва равон йўллар бунинг тасдиғидир.*

Qishloq Qurilish Bank

# Ишончли даромад манбаи

Бу каби янгиланишларда молия-банк тизими, хусусан, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мазкур молиявий муассасанинг 2012 йилдаги фаолияти билан яқиндан танишган киши бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилади.

Дарҳақиқат, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган тегишли ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини изчил таъминлаб келаётган ушбу жамоа банк активларининг барқарор ўсишини таъминлаш, кредитлаш имкониятларини ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш орқали ўз мижозларига замон талаблари даражасида самарали ва намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлаб, уларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш имконини кенгайтираяпти.

Омонатлар икки томонлама манфаатли бўлиб, банкка активларини кўпайтириш орқали ресурс базасини мустаҳкамлаш, аҳолига эса қўшимча даромад олиш имконини беради. Шу боис банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини шакллантириш мақсадида омонатлар бўйича манфаатли шартлар яратиш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш орқали аҳолининг бўш пул маблағларини узоқ (1 йилдан ортиқ) муддатга банк депозитларига жалб қилишга эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"-ги қарорлари дастуриламал бўлмоқда.

Банк томонидан ана шу ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилиши туфайли унинг депозитлари ҳажми кун сайин ошиб бораяпти. 2012 йил давомида аҳоли учун қулай бўлган 30 та янги омонат тури жорий этилиб, уларга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида берилаётгани мижозларга манзур бўлаётир. Пировардида ўтган йили банкдаги аҳоли омонатлари қолдиғи 30 фоизга ортиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, 80080,0 млн. сўмни ташкил қилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, узоқ муддатли уй-жой қурилиши учун жисмоний шахслар томонидан муддатли, жамғариб бориладиган, жисмоний шахсларнинг келажакда оладиган кредит суммасининг камида 25 фоизини тўплаган тақдирда, уй-жой қуриш учун имтиёзли кредит олишда устувор ҳуқуққа эга бўладиган янги омонат турлари ҳам амалиётга жорий этилди.

Аҳолига кенг турдаги чакана хизматлар кўрсатиш мақсадида банк жамғарма шохобчалари сонини кўпайтириш, қишлоқ жойларда уларнинг тармоғини кенгайтириш йўлида ҳам бир қатор ибратли ишларни амалга оширди. Жумладан, ҳозирги кунда банк тизими бўйича 49 та жамғарма шохобчаси орқали кенг қамровли банк хизматлари кўрсатилиб, уларнинг ишдан ташқари вақтда ёки дам олиш кунларида қатъий иш тартиби ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, малакали ходимлардан "Ишонч телефонлари" орқали банк омонатлари шартлари ҳақида маълумот олиш, омонатдаги маблағларининг қайтарилишида муаммолар вужудга келадиган бўлса, мурожаатларни жойида ижобий ҳал қилиш имкониятлари яратилган.

Бу каби шарт-шароитлар банк мижозлари ва мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилаётир. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан республика тижорат банклари ўртасида 2012 йил якунларига кўра, аҳоли бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича ўтказилган танловда "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки" номинациясида "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Каттақўрғон филиали, "Оқтош" минибанки фахрли ўринлардан бирига муносиб деб топилди. Бу банкнинг бошқа молия муассасалари орасида ўз ўрни янада мустаҳкамланаётгани, аҳолининг ишончи тобора ортиб бораётганининг ифодасидир.

Хулоса ўрнида айтганда, мижозларга замонавий хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайиши банкнинг янада равнақ топиши, пировардида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилаверади.

**Банк матбуот хизмати.**

● Реклама ва эълонлар ●

Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

«АСАКА» банки (ОАЖ)

миллий ва хорижий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади.

«ФАРОВОН ТУРМУШ»
(миллий валютада)

**Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ва 18 ой. Ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.**

«ИШОНЧЛИ»
(АҚШ долларида)

**Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой. Ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.**

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 221-80-67 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

*Хизматлар лицензияланган.*

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

218R/15

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ»

**акцияси ўтказилишини маълум қилади.**

Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда ҳудудий филиалларида **2013 йилнинг 1 февралидан то 1 апрелигача** бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ўтказилади.

Юзинчи, беш юзинчи, мингинчи мижозлар акция ғолибига айланадилар ва уларга қимматбаҳо мукофотлар соврин сифатида топширилади.

Акция ғолибларига мукофотларни тақдим этиш маросими **2013 йилнинг апрель** ойида бўлиб ўтади.

*«Мингинчи мижоз» акциясига қўшилинг!*

«Ўзбекинвест» — суғуртага ишонинг!

**Батафсил маълумотни (8-371) 120-03-53, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.**

215R/138

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

**савдолар залида 2013 йил 18 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 5 ноябрдаги 89-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулк қўйилади:**

Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 109-уйда жойлашган 2 қаватли савдо дўкони (ертўласи билан). Қурилиш ости майдони — 360,89 кв.м., фойдаланиш майдони — 954,51 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 429 113 000 сўм.***

Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд шаҳар «Амир Темур» бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзилимиз: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй. Тел.: (8-366) 229-03-12, 229-65-88.**
***Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршисида.***

*Лицензия: 0038.*

221R/477

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02



ТТЗ

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

10R/109

ТАРОЗИЛАР

Micros®
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

CAS
Корпорацияси (Жанубий Корея)

МАССА-К
Акциядорлик жамияти

0,0001 гр.дан 250 тоннагача



ИЖАРАГА кран тарозилари бор

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

32R/770

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50;
- Тўйтепа к., 5 ( Мўлжал — давлат поликлиникаси), тел.: (+99871) 232-06-61.

www.micros.uz
e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

«SN INVEST» компанияси

**еткизиб беради:**

- ғўзапоя ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макка ўрадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресс қиладиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- боғ ва ферма учун тракторлар
- гусеницали тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- буғдой экадиган сеялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб суғорувчи мосламалар
- ем майдалаб тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискали плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер



Tel.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz

87R/43

# Тараққиётнинг муҳим асоси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг инновацион ишланмаларини молиялаштириш миқдори ва ҳажми 6 мартадан зиёд, экспорт қилинадиган илмий маҳсулотлар ҳажми эса 3 марта, яъни ўтган йилда аввалги йилларга нисбатан қарийб 5 баробар ортди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Шавкат Солиҳов. — Олимларимизнинг ишланмаларига берилган патентлар сони кўпайди ва бунга мос равишда лицензиялаш жараёнлари фаоллашди. Президентимизнинг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳар йили инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларнинг республика ярмаркаси ўтказиб келинмоқда. 2008 — 2012 йилларда ташкил этилган шундай тадбирларда илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида инновацион маҳсулотлар ва технологияларни амалиётга жорий қилиш бўйича юзлаб шартномалар тузилди.

Хусусан, биргина ўтган йилги ярмаркада қиймати 11,3 миллиард сўмга тенг 306 та битим имзоланди. Айни пайтда ушбу инновацион ишланмалар “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзфармсаноат”, “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компаниялари, Навоий тоғ-металлургия, Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вилоят бошқармалари ва бошқа йирик корхона, ташкилотларда амалиётга жорий этилган.

Табиийки, соҳага қаратилаётган юксак эътибор туфайли олимларимиз томонидан бир қатор муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда астрономлар томонидан биринчи марта янги кичик сайёра кашф этилиб, унга Халқаро астрономия иттифоқи давлатимиз раҳбари таклифига биноан, “Самарқанд” номини берди.

“Физика — Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида янги паст ҳароратли юқори ўтказувчан ва юқори ҳароратли керамик материаллар, шунингдек, улардан тайёр маҳсулотлар олиш ўзлаштирилди. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти қошидаги ёшларнинг геном технологиялар маркази томонидан маркер ассоциацияси технологияси ёрдамида яратилган юқори сифатли тола (1-2 тип) ва ривожланган илдиз тизимига эга бўлган ғўзанинг тўртта янги нави (“Порлоқ-1, 2, 3, 4”) пахтачиликдаги улкан илмий ютуқ бўлди. Айни пайтда ушбу технологияга АҚШнинг Техас университети билан ҳамкорликда патент расмийлаштирилмоқда. Мазкур жамоа ишланмалари асосида пахта ва буғдой биотехнологиясини ривожлантириш учун янги Геномика ва биоинформатика илмий маркази ташкил этилди.

Биоорганик кимё институтида полиморф “хўжайин-меҳмон” комплексларининг пайдо бўлиш шароитлари ва тузилиши ўртасидаги алоқани белгиловчи янги табиат ҳодисаси кашф этилиб, илк бор супрамолекуляр комплексларнинг рентгеноструктур таҳлили методи асосида клатрат кимё соҳасида янги универсал қоида ишлаб чиқилди.

Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимларининг кўп йиллик изланишлари натижасида дунёда муқобили йўқ “Natural compounds” (“Табиий бирикмалар”) номли 10 жилдли илмий-амалий тўплам тайёрланди. У 2012 йилда “Springer” нашриётида инглиз тилида нашр этилди. Мазкур қўлланма ёрдамида янги дори препаратлари тайёрлаш ва синтезлаш имконияти юзага келди.

Умумий ва ноорганик кимё институтида илғор технологиялар асосида ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи ўғит ва дефолиантларнинг янги турлари қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилаётгани ва четга экспорт қилинаётгани юртимиз иқтисодий салоҳияти юксалишида муҳим омил бўлаётир. Масалан, “Самарқандкимё” ОАЖда 269,3 минг тонна нитрокальций фосфат ўғити, “Навоийазот” ОАЖда 191 минг тонна азотли фосфор ўғити, “Фарғонаазот” ОАЖда эса 62 минг тонна азотли фосфор ўғити тайёрланиб, ушбу маҳсулотнинг маълум қисми хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

Яна бир эътирофга сазовор ютуқ — МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва мазкур институт мутахассислари билан ҳамкорликда маҳаллий углеводород хом ашёси — нефть ва газ конденсати асосида “Боинг”, “Эйрбас” каби замонавий русумдаги самолётлар учун “Джет А-1” юқори сифатли авиация ёнилғиси олиш технологияси яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилганидир. Натижада 2009 — 2012 йилларда мазкур корхона томонидан 347,7 минг тонна ана шундай ёнилғи тайёрланиб, унинг 138,1 минг тоннаси чет эл компанияларига сотилди.

Физика-техника институтида фотоэлектрик станциялар, қуёш коллекторлари, шунингдек, энергия таъминоти мажмуалари тизими учун турли қувватдаги комбинациялланган Стирлинг двигателлари ишлаб чиқарилаётгани ҳам эътиборли муваффақиятлар сирасига киради. Мазкур институтнинг тикланувчи энергия манбалари соҳасидаги ишлари 2012 йилда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) билан Тошкентда Халқаро қуёш энергияси институтини очиш учун асос бўлди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ОТБ ва Ўзбекистон ҳукуматининг техник ҳамкорлиги доирасида қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳа амалга оширилмоқда.

Турли соҳаларни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлашда Энергетика ва автоматика институтининг ҳам хизмати беқиёс бўлаётир. Мазкур илм даргоҳи Маҳаллийлаштириш дастури асосида “Ўзбекнефтгаз” МХК, “Ўзтрансгаз” АК корхоналарида нефть ва газ маҳсулотларини тозалаш учун керамик фильтрларини, шунингдек, “Автомобиль-ҳаракатланувчи таркиблар ва йўл-қурилиш машиналари ёнилғи ва мойлаш материаллари сарфи меъёрлари” дастурини яратди.

Кимё йўналишидаги институтлар томонидан яратилган 30 дан ортиқ янги самарадор дори воситаларини ишлаб чиқариш “Ўзфармсаноат” АЖ тизимидаги корхоналарда йўлга қўйилган.

Бу каби ютуқ ва муваффақиятларни ижтимоий-гуманитар соҳадаги илмий изланишларда ҳам кўриш мумкин.

— Истиқлол йилларида ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаларининг янги йўналишлари вужудга келиб, изчил ривожланди, — дейди тарих фанлари доктори Баҳром Абдуҳалимов. — Жумладан, тарихчи олимларимиз томонидан Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ривожининг асосий босқичлари аниқланиб, ўзбек халқининг этногенез (бирон халқнинг келиб чиқиши) концепцияси тайёрланди. Бу ерда яшаган халқлар тарихи ва маданияти ҳақида тадқиқотлар ўтказилди. Республикамиз ҳудудидаги қадимий цивилизация ўчоқларидан бири бўлган Обираҳмат ғорида олиб борилган изланишлар натижасида Ўзбекистон минтақаси худди Хитой, Месопотамия сингари инсониятнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаганлиги маълум бўлди.

Қолаверса, тилшунос олимлар томонидан 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, шунингдек, турли терминологик луғатлар, тарих, шарқшунослик, археология, этнография, санъатшунослик, тилшунослик, адабиётшунослик, музей иши ва тарихий мерос тарғиботининг асосий йўналишлари бўйича монографиялар, олий ва умумтаълим мактаблари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, 150 дан зиёд китоблар тайёрланиб, нашр этилди.

Энг муҳими, бундай муваффақиятлар юртимиз иқтисодиёти ривожига, маънавий оламимизни янада бойитишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу эса олимларимизни ҳамиша изланишга, янгилик яратишга ундаб, юртимиз куч-қудрати, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдек эзгу ва олижаноб мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

*Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, “Meros” Ўзбекистон антикварлар уюшмаси ҳамкорлигида “Мерос ва замонавийлик” мавзуида халқаро фотокўргазма ташкил этилди.*

# Мерос ва замонавийлик

Кўргазма

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, иқтидорларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг юртимиз ҳамда халқаро миқёсдаги кўргазма ва танловларда қатнашиб, истеъдодлари эътироф этилаётгани бунинг ёрқин мисолидир. Бунда “Фонд Форум”нинг алоҳида ҳиссаси бор.

Маълумки, “Фонд Форум” бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда тарихий меросимизни ўрганиш, уни асраб-авайлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, умрбоқий анъаналаримиз, халқ оғзаки ижоди ва ҳунармандчиликнинг қадимий турларини ўрганиш мақсадида илмий экспедициялар, фестиваль ва танловлар ташкил этилмоқда. Ушбу жараёнда тўпланган манбалар эса китоб тарзида нашр қилинаяпти, маданий меросимизни халқаро миқёсда тарғиб этиш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатларда ёшлар фаол қатнашмоқда.

Кўргазмада юртимиз ҳамда Буюк Британия, Польша, Япония, Россия, Беларусь, Қозоғистон сингари ўндан зиёд мамлакат ёш фотоижодкорларининг 185 та ижодий иши намойишга қўйилган. Эътиборлиси, ҳар бир суратда Ватан манзаралари, ўз юрти, тупроғини севувчи ижодкорларнинг қарашлари, миллий мерос, умрбоқий анъана ва қадриятларига, она-табиатга бўлган эҳтироми акс этган.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# Ҳар бир йигит орзуси

она-Ватанга муносиб хизмат қилишдир

*Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, шу кунларда жойларда йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.*

## Қарор ва ижро

Ана шундай тадбирлардан бири Наманганда ташкил этилди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этишга киришаётган йигитларнинг бўй-басти, теран фикри, кенг дунёқарашини кўриб, мамлакатимиз мудофаа салоҳияти ҳар томонлама баркамол ёшлар билан янада мустаҳкамланиб бораётганини дилдан ҳис қиласан, киши. Зеро, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар аввалги йиллардаги муддатли ҳарбий хизматчилардан мутлақо фарқ қилади. Ҳозирги вақтда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир.

Тадбирда ана шу жиҳатлар ҳақида сўз юритилиб, билдирилаётган юксак ишончга ёшлар, албатта, муносиб бўлишлари кераклиги таъкидланди.

— Армияга бориш ҳар бир йигитнинг орзуси, — дейди Учқўрғон туманидан чақирилувчи Ҳабибулло Абдужалилов. — Мен ҳам ана шу ниятимга етишганимдан бахтиёрман. Бунда коллежда олган билимларим, спорт билан мунтазам шуғулланганим жуда асқотди. Бундан ташқари, мен “Ватанпарвар” ташкилотининг вилоят бўлимига қарашли автомобиль мактабида ҳайдовчиликни ҳам ўрганганман. Муддатли ҳарбий хизмат давомида жисмоний тайёргарлик ва билим даражамни янада ошириб, ҳарбий соҳа сир-асрорларини пухта эгаллаб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Маросимда вилоят санъат усталари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хабар

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 2 ФЕВРАЛДАН 8 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ўтказма ва оддий вексellар тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 24 январдаги 2/5-сонли қарори.*

**2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 147-1 (2013 йил 11 февралдан кучга кирди).**

2. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари Классификаторига қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 23 январдаги 3-Б-сонли буйруғи.*

**2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2421 (2013 йил 15 февралдан кучга киради).**

3. «Қон ишлатиш билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий буюм ва асбоблар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2013 йил 28 январдаги 16-сонли буйруғи.*

**2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2422 (2013 йил 11 февралдан кучга кирди).**

4. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2013 йил 21 январдаги 1, 4-қ/қ, 7-сонли қарори.*

**2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2423 (2013 йил 11 февралдан кучга кирди).**

5. «Шаҳар электр транспортида ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 8 январдаги 1-Б-сонли буйруғи.*

**2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2424 (2013 йил 11 февралдан кучга кирди).**

6. «Экспорт-импорт юкларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 1, 11, 01-02/15-12-сонли қарори.*

**2013 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 428-6 (2013 йил 11 февралдан кучга кирди).**

7. «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (3-сонли СММС) «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 8 январдаги 3-сонли буйруғи.*

**2013 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2425 (2013 йил 11 февралдан кучга кирди).**

8. «ЎзДЭУ авто» АЖда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг жисмоний шахслар ўртасидаги олди-сотди қилишда уларни комиссион баҳолаш қоидаларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2013 йил 19 январдаги 10-сонли буйруғи.*

**2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 529-1 (2013 йил 11 февралдан кучга кирди).**

9. «Ҳисобрақамлар очиш, мижозлар ҳисобрақамларидан маблағларни ўтказиш ва кўчириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 24 январдаги 2/4-сонли қарори.*

**2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1044-2 (2013 йил 11 февралдан кучга кирди).**

10. «Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 17 январдаги 5, 2013-3-сонли қарори.*

**2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2310-1 (2013 йил 11 февралдан кучга кирди).**

11. «Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 17 январдаги 4, 2013-2-сонли қарори.*

**2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2328-1 (2013 йил 11 февралдан кучга кирди).**

12. «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 7 январдаги 2-сонли буйруғи.*

2013 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1882-3 (2013 йил 11 февралдан кучга кирди).

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Ўтказма ва оддий вексellар тўғрисидаги низом» *(рўйхат рақами 147, 1995 йил 31 май). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2013 йил 5 февралдаги 30-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

2. «Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхати, 1-сон қўшимчалар» *(рўйхат рақами 1784, 2008 йил 4 апрель), (рўйхат рақами 1784-1, 2009 йил 23 октябрь). Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2013 йил 5 февралдаги 33-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

3. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарор *(рўйхат рақами 2388, 2012 йил 10 сентябрь). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2013 йил 5 февралдаги 34-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

4. «ЎзДЭУ авто» АЖда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг жисмоний шахслар ўртасидаги олди-сотди қилишда уларни комиссион баҳолаш қоидалари» *(рўйхат рақами 529, 1998 йил 11 ноябрь). «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2013 йил 8 февралдаги 38-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## Яхши хабар



*Когон туманидаги 16-умумтаълим мактабида 320 миллион сўм эвазига барпо этилган замонавий спорт зали ўттиз икки турдаги жиҳозлар билан таъминланди.*

# Мактабларга спорт жиҳозлари

— Ўтган йили жамғармамиз ҳомийлигида бешта мактаб учун спорт заллари барпо этилган эди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилояти филиали бош мутахассиси Бозор Шеров. — Яқинда эса мазкур билим масканлари умумий қиймати олтмиш икки миллион сўмдан зиёд спорт жиҳозларига эга бўлди. Эндиликда ўғил-қизлар ушбу муассасаларда стол тенниси, бадиий гимнастика каби оммавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланишлари мумкин.

**И. ИСТАМОВ.**

## Цирк

*Тошкент циркида россиялик моҳир саҳна усталаридан иборат “Ратиани” гуруҳининг дастурлари намойиш этилмоқда.*

# Ғаройиб томошалар

Унда гуруҳ раҳбари, таниқли кўзбойлоқчи Людмила Ратианининг ўзига хос трюклари, айниқса, томошабинларда катта таассурот қолдираяпти. Шунингдек, ҳайвонлар билан чиқишлар, масхарабозлар, акробатлар, жонглёрлар ҳамда ҳаво эквилибристларининг мураккаб машқлари ҳам цирк ихлосмандлари олқишларига сазовор бўлаётир. Дастурдаги энг машҳур томошалардан бири эса “Кўринмас одам” трюки бўлиб, унда арена ёп-ёруғ ҳолатда бўлишига қарамай, артистлардан бири кўздан ғойиб бўлиб қолади.

Тошкент цирки маъмуриятининг билдиришича, томошалар шу йилнинг 24 февралига қадар давом этади.

**Хуршид ҲАМИДОВ.**

● Реклама ●




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5